

Исторические науки

Тўраев Анвар Исмоилович

ассистент кафедры Истории

Бухарского Государственного Университета

**БУХОРО ВОҲАСИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ УРФ-ОДАТ ВА
МАРОСИМЛАРИ**

ТРАДИЦИИ И ОБРЯДЫ ЖИВОТНОВОДОВ БУХАРСКОГО ОАЗИСА

Аннотация: Ушбу мақолада Бухоро воҳаси чорвадорларининг урф-одат ва маросимлари ёритилган.

Калит сўзлар: Мавароуннахр, Дашти қипчоқ, турклар, Амударё, Зарафшон, чорвачилик, Бухоро воҳаси.

Аннотация: В этой статье описываются в Бухарском оазисе сельскохозяйственные традиции и обряды.

Ключевые слова: Меварауннахр, Дашти кипчак, турки, Амударя, Зерафшан, животноводство, Бухарский оазис.

Annotation: This article is reflected in the Bukhara oasis of agricultural traditions and rituals.

Keywords: Mevaraunnar, Dashti Kipchak, Turks, Amudary, Zerafshan, cattle breeding, Bukhara oasis.

Ўзбеклар халқимиз қадим даврлардан чорвачилик билан шуғулланиб келган. Илгари кўчманчи бўлган қабилаларда Мавороуннахр турклари, дашти қипчоқдан келиб жойлашган кўчманчи ўзбеклар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, хўжаликда чорвачилик билан шуғулланиб келганлар.

Чорвачиликни ривож топиши Бухоро воҳаси турмуш тарзида асосий бўғин бўлиб келган ва келмоқда. Бу хўжалик тури воҳада милоддан аввалги II-минг йилликнинг охирларида ва милоддан аввалги I-минг йиллик бошларида Зарафшон этаклари, хусусан, ҳозирги Олот, Қорақўл, Жондор ва Ромитон

атрофларида чорвачилик ривож топиб, бу жойлар Бухоронинг қадимги чорвадор аҳолиси учун кенг яйловга, қулай масканга айланиб борган¹.

Чорвачилик тараққий этган қуйи Зарафшон ва Амударё воҳаси даштларида анъанавий чорвачилик юқори товарлилик характерида сақланиб қолинганлиги кузатилади. Бу минтақларда биринчидан, чорвачилик ва дехқончилик воҳалари қатъий чегарага эга бўлмаган. Икки хўжалик типининг бир-бирининг тўлдириши натижасида у ёки бу тарзда чорвачилик хўжалигининг тараққиёти кузатилади. Иккинчидан, икки хўжалик типининг ўзаро бир-бирини тўлдириши икки томонлама ассимиляция жараёнларини стимуллаштириб, ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳолининг хўжалигини фаоллаштирди.

Бухоро воҳаси аҳолиси (ўзбеклар, туркманлар, араблар) учун чорвачилик асосий ва сердаромад товар ҳисобланган. Айниқса, қўйчиликнинг ривожланиши орқали озиқ-овқат маҳсулотлари: гўшт, сут, харидоргир хомашёлар: жун ва чарм олинган. Қўйлардан олинадиган энг қимматли муҳим маҳсулот Қоракўл териси бўлган. Қоракўл терига жаҳон бозорида талаб катта бўлиб, буни яққол мисоли сифатида XIX асрда Бухоро амирлиги бозорларига 120 000 дона Қоракўл терилари сотиш учун чиқарилган бўлса, ташқи бозорга 1907 йилдан 1910 йилгача 8862 бош қўй, жумладан, Россиянинг Осиё қисмига – 1673 бош ва Фарб мамлакатларига 8888 бош қўй сотишга чиқарилган². Шунингдек, бозорда сотиш учун кўпроқ қўй жуни, кигиз, гилам, ип, арқон каби чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Қоракўл Ўзбекистоннинг жанубий-шарқ томонидан Туркманистон билан чегарадош туман ҳисобланади. Аҳолиси азалдан чорвачилик, овчилик, кейинчалик, XIX асрдан дехқончилик билан кенгроқ шуғулланиб келган. Асосан Қоракўл тери етиштириш, жун маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кулолчилик, темирчилик ва каштачилик хунарлари билан шуғулланиб келганлар³. Қоракўл қўйлари маҳаллий иқлим шароитларини тез-тез ўзгариб туришига чидамлилиги ва иссиқликка яйловларда ўт камчилигига бардош бера оладилар, чидаб бўлмайдиган оғир

¹ Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. Т.: Фан. 1991. – Б-30

² Насыров Б. Каракулеводство и совхозах Узбекистан. Т.: 1962. - С-9

³ Камолов У. Қоракўлчиликнинг ривожлантириш резервлари. Т.: Фан 1968. - Б-4

шароитларда ҳам ўз оғирликларини йўқотсаларда, улардан ҳамма вақт сифатли Қоракўл терилари олиб турилган. Воҳада айниқса, дехқонлар йирик шоҳли моллардан энг зарур иш кучи сифатида хўкизларга алоҳида эътибор бериб, парвариш қилганлар. Бу шоҳли моллар ишчи кучи сифатида қаралган. Кўп ҳолларда аҳоли тўй-маракаларда қўй гўшти истеъмол қилишган. Бухоро чорвадорлари қўйчилик, йирик шоҳли моллар билан бирга йилқиччилик ва туячиликка ҳам алоҳида эътибор қаратиб, парвариш қилиб келганлар.

Қадимдан чўпонлар жониворларни қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш жараёни бошлагандан эътиборан чорвачилик билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларни ҳам кенг нишонлаб келишган. Шу билан бирга, инсон ва табиат, одамлар ва ҳайвонот олами ўртасидаги муносабатлар кишилик жамиятининг бир неча минг йиллик меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳаётий тажрибалар, маънавий қарашларида ўз аксини топган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, чорвачилик қадимий машғулот тури бўлиб, инсоният тарихининг илк даврларидан бошлаб, чорва билан боғлиқ эътиқодлар аҳоли турмуш тарзида муҳим аҳамият касб эътиб борган. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам чорвага, айниқса, от, қорамол ҳамда майда туёқли ҳайвонларга алоҳида эътибор бериш, парвариш қилиш, шу билан бирга, чорвадорларнинг иймонли бўлиши таъкидлаб ўтилади⁴.

Чорвачиликка оид маросим ва урф-одатлар моҳияти ҳамда улардан кўзланган асосий мақсадлар бўлган, яъни маросим ва урф-одатларда чорвани кўпайтириш, уни турли касалликлар, ўлат, ёввойи йиртқич ҳайвонлар ҳамда ўғрилардан ҳимоя қилиш назарда тутилади. Чорвадорлар учун чорва ҳайвонлари соғлиги доим муҳим аҳамият касб этган. Чўпонлар чорвани ҳар хил бало-қазолар, ёвуз кучлар, ёмон кўзлар, зиён-захмати ҳамда йиртқич ҳайвонлар хуружидан асраш мақсадида йилнинг маълум бир вақтида турли маросим ва урф-одатларни ўтказиб келганлар. Лозимки, ҳар бир туркум маросимлар ва урф-одатлар бир неча гуруҳларга бўлиб таснифланади. Чорвадорларда биринчи

⁴ Исҳоқов М. “Авесто”да чорва ва чорвадорлар// Ўзбекистон ҳудудида дехқончилик маданиятининг тарихий илдиэлари ва замонавий жараёнлар. Т.: Фан 2006. – Б-45

гурухга баҳорда чорвани ёзги яйловга хайдаб кетиш ва кузда ёзги яйловдан қишлоқ жойига қайтишларигача бўлган даврдан амалга ошириладиган маросимлар ва урф-одатлар; иккинчи гурухга эса, чорчани қишлоқ жойидан қайтиш жараёнидан тортиб то баҳорда ёзги яйловга кетиш пайтигача бўлган турли-туман маросимлар, урф-одатлар ҳамда ирим-сиримлар киради⁵.

Фольклоршунос олим Б.Саримсоқовнинг ёзишича, ўзбеклар ўз меҳнат фаолиятида икки хил тақвимлардан фойдаланганлар. Бу тақвимлар кишиларнинг чорвачилик ҳамда деҳқончилик фаолиятининг ҳамалга кириши ва тугалланиши билан бошқарилган. Демак, ўзбекларда икки хил йил ҳисоби бўлиб, улар қуйидагича белгиланади: деҳқон йили – 21 мартдан бошланса, чорва йили – 16 мартдан бошланган. Чўпон йилининг 16 мартдан бошланиши ҳам ерга ҳамал кириши ва ўт-ўланларнинг ўсиб чиқа бошлаши билан боғлиқ. Ана шу кундан бошлаб, чорвадорлар ёзги яйловга кўчиш ишларини бошлаб юборганлар⁶. Бухоро воҳаси чорвадорлари орасида ҳам айнан чўпон йили кириб келиши билан чорва қишлоқ жойларидан ёзги яйловларга олиб ўтилган. А.Ашировнинг таъкидлашича, қадимдан жамийки қавм-қабилалар орасида “зин задон” (отни эгарлаш), “камарбостан” одатига қатъий амал қилганлар. Масалан, чорвачилик билан шуғулланувчи қавмларда қизларга юнгдан ип йиғириш, чархда ишлаш, матолар тўқиш, либослар тикиш ўргатилган, ўғил болалар эса, мол боқиш, урчитиш ва туғдириш, туя отларни парваришлаш, уларни бошқара олиш, яйловларда подани ўтлатиш, чорвани йиртқич ҳайвонлар ва қароқчилардан ҳимоя қилиши шарт бўлган. Ана шундан сўнг, ўсмирларни “зин задон” имтихонидан ўтказганлар⁷. Натижада, балоғат ёшига етган рўзғор юритишни ўрганиб, уй бекаси ёки оила бўлиш, чўпон, от суриш, туя миниб юриш ҳуқуқини қўлга киритган.

⁵ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимги эътиқод ва маросимлари. Т.: Фан 2007. – Б-147

⁶ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Т.: Фан 1986. – 40-41-бетлар

⁷ Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлари. Т.: Фан. 2001. – Б-6